



Қул ҳуваллоҳу аҳад», Фалақ ва Нос сураларини эрталабда ва кечда уч марта айтинг, сизни барча ёмонликлардан сақлайди», - дедилар

Абдуллоҳ ибн Хубайб разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Ёмғирли қоп-қора тунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга намоз ўқиб беришлари учун

чиқдик. У кишини олдилариға етиб бордим. «Айтинг», - дедилар. Ҳеч нарса демадим. Сўнгра: «Айтинг», - дедилар. Ҳеч нарса демадим. Сўнгра яна: «Айтинг», - дедилар. «Нима деб айтай», - дедим. «Қул ҳуваллоҳу аҳад», Фалақ ва Нос сураларини эрталабда ва кечда уч марта айтинг, сизни барча ёмонликлардан сақлайди», - дедилар.

[Тўғри матн] [Абу Довуд, Тирмизий ва Насойи ривояти]

Улуғ саҳоба Абдуллоҳ ибн Хубайб разияллоҳу анҳу хабар бериб айтадилар: «Улар ёмғирли қоп-қора тунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга намоз ўқиб беришлари учун излаб чиқдилар ва У зотни топдилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Айтинг», яъни ўқинг дедилар. Ҳеч нарса ўқимадилар. Сўзларини яна қайтардилар. Шунда Абдуллоҳ: «Ё Расулуллоҳ, Нима ўқий», -дедилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қул ҳуваллоҳу аҳад», яъни Ихлос, «Қул аъузу бироббифалақ», яъни Фалақ, «Қул аъузу бироббиннас», яъни Нос сураларини эрталабда ва кечда уч марта ўқинг, барча ёмонликлардан сақлайди ва ҳимоя қиласди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/6082>